



Ислом Нури

«...» :...»
 «...» :...»
 «...»

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам озиқ-овқат (дон-дун маҳсулоти) уюми ёнидан ўтиб кетатуриб, қўлларини унинг ичига тикқан эдилар, бармоқларига намлик илашди. Шунда: – «Бу нимаси, эй дон соҳиби?!», дедилар.

У: – «Ёмғир тегганди, ё Расулуллоҳ», деди.

– «Одамлар кўрадиган қилиб устига чиқариб қўймабсиз-да! Ким алдаса, мен(инг умматим)дан эмас», дедилар.

«...» :...»
 «...»

Имом Муслим Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сотувчи билан олувчи модомики ажралишмаган бўлса, (савдони бузиш-бузмасликда) ихтиёрлидирлар. Агар рўйи-рост сўзласалар ва (молнинг ёки тўлов ҳақининг камчилигини) очиқ айтсалар, байларига барака берилади. Агар ёлғон гапирсалар ва ҳақни яширсалар, байларининг



Ислом Нури

баракаси ўчирилади».

«...»

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоху анху айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: «Қасам молнинг тез сотилишига ва фойдасининг ўчиб кетишига сабабдир», деганларини эшитганман.

«...»

Имом Муслим Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Савдода кўп қасам ичишдан сақланинглар! Чунки у молнинг сотилишини тезлатади, сўнг баракани ўчиради».

Шарҳ:

Мазкур ҳадисларда олди-сотдига доир, кўпчилик бепарво қарайдиган баъзи ҳукмлар баён қилинди, диний ва дунёвий манфаатлари борлиги туфайли Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам улардан огоҳ бўлишга чақирдилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Олди-сотдида алдов ва хиёнатдан сақланиш лозим, зеро бу гуноҳи



- кабиралардан;
2. Олувчи ва сотувчи ҳали бир-биридан ажралмаган ҳолларида савдони бузишга ва матони ёки пулни қайтаришга ҳақли бўладилар;
 3. Савдода беҳуда қасамдан қайтарилган, қасам тижоратнинг баракасини ўчиради.